

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

РАИМКУЛОВА ДИЛНОЗА ФАРХАДДИНОВНА

**СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАНДИГАН ЎСМИРЛАРНИНГ ҲОЛАТИ
ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ
(клиник ва ижтимоий тадқиқотлар)**

14.00.38 – Спорт тиббиёти

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Раимкулова Дилноза Фархаддиновна

Спорт билан шугулланадиган ўсмирларнинг ҳолати ва ўқув
 жараёнини бошқаришда комплекс ёндашувни
 ривожлантириш хусусиятлари (клиник ва ижтимоий
 тадқиқотлар)..... 5

Раимкулова Дилноза Фархаддиновна

Особенности состояния подростков, занимающихся спортом,
 и разработка комплексного подхода для управления
 тренировочным процессом (клинико-социальные
 исследования)..... 29

Raimkulova Dilnoza Farxaddinovna

Features of the state of adolescents engaged in sports and the
 development of an integrated approach to the management of the
 training process (clinical and social research)..... 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works..... 60

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАИМКУЛОВА ДИЛНОЗА ФАРХАДДИНОВНА

**СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАНАДИГАН ЎСМИРЛАРНИНГ ҲОЛАТИ
ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ
(клиник ва ижтимоий тадқиқотлар)**

14.00.38 – Спорт тиббиёти
14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда
менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib1025** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Садиков Абдушуқур Абдужамилевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Жасур Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Махмудов Дилшод Эргашбекович
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), к.и.х.

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD 10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 31 » 08 кунни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com.)

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93.

Диссертация автореферати 2021 йил « 19 » август кунни тарқатилди.
(2021 йил « 19 » август даги 28 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Р.Т. Камилова

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Солиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари доктори, к.и.х.

[Handwritten signature]

А.А. Хаджимегов

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ўсмирлар орасида бўй ўсиши суръатининг секинлашиши, улар вазнининг ортиши, жисмоний жиҳатдан ривожланишнинг эса пасайиши ва паст бўйли болалар сонининг ортиб бориши кузатилмоқда. Шу билан бирга, балогатга етишнинг сустлашиши ва турли соматик патологияларнинг ривожланиши ҳам ортиб бормоқда. Ўсмирлар жисмоний ривожланишининг ёмонлашуви натижасида биринчи навбатда уларда таянч-ҳаракат ва юрак-қон томир тизимлари фаолиятлари, функционал ҳолатининг бузилишлари, рухий саломатликларининг салбий томонга ўзгариши ҳамда рухий жиҳатдан заифланишига олиб келаётганлиги кузатилмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан илк бора ўсмирлар ўртасида жисмоний фаоллик даражасини ўрганиш натижаларига кўра, "...11-17 ёшли ўғил-қизларнинг жисмоний фаоллик даражасини ошириш бўйича шошилиш чоралар кўрилиши керак..."¹.

Жаҳонда спорт билан шугулланувчи ўсмирлар орасида учрайдиган касалликлар, уларни ортиб бориши, ўсмир ёшда кузатиладиган жисмоний ўзгаришлар, уларни эрта аниқлаш ва олдини олиш борасида илмий асосланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўсмирларда жисмоний юкламалар сабабли юзага келадиган касалликлар, рухий бузилишлар, уларни олдини олиш, жисмоний машгулотларни коррекция қилиш ва тўғри танлаш самардорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш ва бу борада янгилаш ёндошувларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу аввало камол топаётган ёш авлоднинг морфофункционал хусусиятларини янги шароит ва фаолият турларига тайёрлигини, шунингдек, ёши, саломатлик ҳолати, ўтказиладиган профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишини аниқлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда ҳам ёш авлод саломатлигини асраш, улардаги мавжуд касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва даволашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Шу мақсадда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, ўсмир ёшдаги болалар соғлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориш,

¹ WHO. Global action plan on physical activity 2018-2030. Geneva: World Health Organization, 2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

уларнинг жисмоний ривожланиш ҳолати ва даражаси ўртасидаги мутаносибликни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 9 мартдаги ПҚ–2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатадики, фаол спорт билан шуғулланувчи ўсмирлар соғлигининг ўзига хос ҳолатини ўрганиш мақсадида жисмоний машғулотлар жараёнини бошқариш учун комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб, олинган илмий натижалар болалар ва ўсмирлар ҳаёти сифатини яхшилашга, спорт билан шуғулланишнинг барча босқичларида ўз саломатлигини сақлаб қолиш, шунингдек, жисмоний иш қобилияти самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда болалар ва ўсмир ёшидаги спортчиларнинг касалланиш даражаси ва тузилишини ўрганишга бағишланган илмий ишлар эндигина ривожланмоқда. Турли ҳудудлар аҳолисининг болалари саломатлик ҳолати ўзига хос характерга эга бўлиб, бу касалликлар айниқса ўсмирлар орасида сурункали патологияларни ортиши билан тавсифланади (Moreira N.B. 2016). Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, бўйи паст болалар ва ўсмирлар 8% ни ташкил этиб, бу тўйиб овқатланмаслик белгиси бўлиши мумкин (Stiefel E.C., Field L. 2016). Охириги 20 йил ичида болаларда қўл сиқиш кучи 18%га, ўпканинг ҳаётий сизими эса 15% га камайган (Brown K.A. 2017).

Сўнгги ўн йилликда жисмоний ривожланиш динамикасини баҳолаш оддий мактаб ўқувчиларининг асосий антропометрик кўрсаткичлари спорт билан шуғулланувчи ўсмирларникига қараганда устун эканлигини кўрсатди (Баранов А.А., 2012). Болалар ва ўсмирлар ўртасида кам жисмоний фаолият оқибатлари аллақачон аниқланган бўлиб, жаҳон статистика маълумотларига кўра, таянч-ҳаракат тизими касалликларининг учраш ҳолати - 80%, уrogenитал - 90%, асаб тизими ва сезги органлари - 35%, қон айланиш тизими - 56%, эндокрин - 90%,

кон ва қон яратиш тизими касалликлари - 21% га ортган (Белоногова Е. Н. 2008). Ривожланишда балогат даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлиб, бу давр учун ўтиш ҳолатларининг шаклланишига олиб келувчи беқарорлик характерли ҳисобланади (Панков Д. Д., Панкова Т. Б., 2006). Рухий саломатлик, жисмоний, жинсий ривожланиш кўрсаткичлари йиғиндиси, шунингдек, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимлари вазифаларини таҳлил қилиш орқали ёш даврлари аниқланган бўлиб, улар фаолиятининг бузилиши хавфи ёш даврида сезиларли даражада, яъни 10-17 йилга ортган (Шчеплягина Л. А. 2012).

Мамлакатимизда ёш спортчилар орасидаги касалланиш даражаси ва тузилишини, уларнинг саломатлик ҳолатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда тиббий ёрдамни бирламчи тиббий ёрдам даражасида ташкил этиш жараёнларини кўтаришга бағишланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Аҳмедова Г. М. 2009, Джубатова Р. С., Умарова З. С., 2001, Шарапов О. В., Царегородцев А. Д., 2014). Соғлом болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини ўрганиш, уларда касаллик олди ҳолатини аниқлаш ва очиклаш, олдини олиш ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ҳам илмий ишлар олиб борилмоқда (Sharapova O. B. 2013). Шунингдек, ёш олимларнинг тадқиқотларида пубертат ёшдаги ўсмир кизлар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор натижаси тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган. Шу билан бирга уларнинг саломатлигига таъсир этувчи омилларнинг етарлича ўрганилмаганлиги, жисмоний ривожланиш муаммосининг янги қирраларини ўрганишни талаб этади. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказининг ПЗ-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник ва ижтимоий тадқиқотлар асосида спорт билан шуғулланаётган ўсмирларнинг саломатлиги ва турмуш тарзи ҳолатини таҳлил қилиш, аниқланган ўзгаришларни коррекциялаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спорт билан шуғулланувчи ўсмирларнинг саломатлик ҳолати ҳақидаги амбулатор кайдномаларининг ретроспектив маълумотларини таҳлил қилиш;

ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини антропометрик ва морфофункционал кўрсаткичларини баҳолаш;

спорт билан шуғулланувчи ўсмирларнинг саломатлик ҳолатини тавсифловчи лаборатория таҳлилларининг маълумотларини таҳлил қилиш;

спорт билан шуғулланувчи ўсмирларнинг турмуш тарзини сўровномалар асосида тадқиқ қилиш;

спорт билан шуғулланаётган ўсмирларнинг саломатлигини мониторинг қилиш ва машқ жараёнини оптималлаштиришнинг самарали усулини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида яшайдиган 16-18 ёшдаги 159 нафар спорт билан шуғулланадиган ва 124 нафар спорт билан шуғулланмайдиган жами 283 нафар ўсмирлар олинди, биринчи босқичда уларнинг архив маълумотлари – тиббий карталари ретроспектив таҳлил қилинди, иккинчи босқичда соғлиги, яшаш шароити ва оиласининг ижтимоий ҳолати ҳақида сўровномалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турли спорт турлари билан шуғулланувчи ўсмирларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари, касалланишлар бўйича маълумотлари, вена томиридан олинган қон ва унинг зардоби ва машқ жараёнининг самарадорлик кўрсаткичлари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда спорт билан шуғулланадиган ва шуғулланмайдиган ўсмирлар ўртасида касалланиш ҳақида олинган ҳисоботлар, тиббий ва ижтимоий сўровномалар, умумий клиник, иммунологик, клиник ва биокимёвий тадқиқот ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қонда L-карнитин ва унинг метаболик ажралмалари нисбати (AK/CO индекси, каталаза, VEGF) ёш спортчилар организмда жисмоний фаолият жараёнида катаболик ва анаболик алмашинуви номуносиблигига сабаб бўлувчи, жисмоний зўриқиш ва асосланмаган жисмоний юктамалар ҳақида ахборот берувчи кўрсаткичлар эканлиги аниқланган;

илк бор динамикада карнитин ва унинг метаболик парчаланиш маҳсулотлари микдори организм хужайраларининг энергетик потенциал кўрсаткичини баҳоловчи маркер бўлганлиги сабабли, улар жисмоний юктамаларни муносиб бошқаришда прогностик омил бўла олиши исботланган;

спорт билан шуғулланувчи ўсмирларни жисмоний ва функционал тайёргарлиги, жисмоний зўриқишни эрта аниқлашга имкон берадиган биокимёвий маркерларни, ҳамда ижтимоий статусини баҳоловчи интеграл ва самарали ноинвазив усулларни ўз ичига олган саломатлик мониторинги тизими такомиллаштирилган;

спортчилар организм энергетик потенциали кўрсаткичлари мос равишда тиббий-биологик қўллаб-қувватлаш, уларни турмуш тарзи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс қўллаш асосида машқ жараёнларини натижадорлигини яхшилаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спорт билан шуғулланувчи ўсмирларда касалланиш ва уларнинг соғлигини сақлаш ҳолатига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида зўриқишнинг яширин жараёнлари аниқланган;

номутаносиб йўналтирилган жараёнларнинг пайдо бўлишини ўрганиш учун биокимёвий ва гормонал гомеостаз ҳолатини назорат қилиш билан бирга юрак-кон томир, иммун, эндокрин ва организмнинг бошқа функционал фаолиятларини таҳлил қилиш зарурлиги исботланган;

танадаги метаболик ўзгаришларнинг келиб чиқиши, карнитин метаболизи ҳолати билан аниқланиши мумкин бўлган касалликлар, уни жисмоний ишчанлик бузилишининг юзага келишини башорат қилувчи белги деб исботланган;

спорт билан шуғулланувчи ўсмирларнинг машғулот жараёнини уларнинг саломатлик ҳолатини турмуш тарзи ва маълум лаборатория кўрсаткичлари маълумотларидан фойдаланиш орқали мониторинг қилиш йўллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган тадқиқотлар статистик маълумотларни қайта ишлашнинг ҳаққонийлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, иш жараёнида олинган хулосаларнинг синовдан ўтганлиги, тадқиқот гоёсининг тиббий-биологик тадқиқотлар олиб боришда амалий жиҳатдан таҳлил қилинганлиги ва энг яхши халқаро тажрибани умумлаштириш асосида амалга оширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларда учрайдиган ва вужудга келадиган касалликларни, ўтказилган ижтимоий тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотлар асосида хавф гуруҳлари, уларнинг турмуш тарзи, машқ жараёнини мониторинг қилиш учун организмдаги метаболизм ҳолатининг клиник ва биокимёвий лаборатория кўрсаткичларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида спорт шифокорлари ва мураббийлар учун спортга жалб этилган болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги ва функционал хусусиятларини баҳолаш дастурининг ишлаб чиқилганлиги, ўсмирларнинг машғулот жараёнини уларнинг саломатлик ҳолати турмуш тарзи ва лаборатор-клиник кўрсаткичлари маълумотларидан фойдаланиш орқали мониторинг қилиш, ҳамда ўсмирлар организмдаги зўриқиш ҳолатини олдини олиш учун машқ жараёнларини режалаштириш бўйича амалий тавсиялар таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Спорт билан шуғулланадиган ўсмирларнинг ҳолати ва ўқув жараёнини бошқаришда комплекс ёндашувни ривожлантириш хусусиятлари (клиник ва ижтимоий тадқиқотлар) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги ва функционал ҳолатини баҳолаш, уларнинг организмдаги зўриқиш белгиларини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида спорт шифокорлари ва мураббийлар ҳамда спортга жалб этилган болалар ва ўсмирлар учун ишлаб чиқилган “Спорт билан

шугулланувчи ўсмирлар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс ёндашув” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/225-сон маълумотномаси). Натижада спорт билан шугулланаётган ўсмирларнинг жисмоний ҳолати даражасини яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи муассасалар ишини такомиллаштириш имконини берган;

спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги ва улар организмнинг функционал хусусиятларини баҳолаш мақсадида олинган илмий натижалар асосида спорт шифокорлари ва мураббийлар учун ишлаб чиқилган дастур Ўзбекистон футбол ассоциациясининг U-16 терма жамоаси, шунингдек, Ўзбекистон гимнастика федерациясида амалиётга тадбик этилган (Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 02-07-08-3582-сон маълумотномаси). Натижада мазкур спорт турлари билан шугулланувчи ўсмир спортчиларда индивидуал машқ дастурларини шакллантириш орқали улардаги чарчаш ва зўриқиш синдромлари ривожланишининг профилактикасига бўлган ёндашувларни шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республикада ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, шахсий текшириш натижаларининг баёни ва таҳлили билан тўртта боб, хулоса, яқун, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирлар саломатлигини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили берилган бўлиб, муаммонинг бугунги ҳолати ва ҳар томонлама илмий-амалий маълумотлар

асосида таҳлил этилган. Ундада ўсмирларнинг саломатлик ҳолатини баҳолаш, уларнинг соғлигига таъсир этувчи омиллар, ўқув жараёнининг замонавий жиҳатлари, юзага келаётган муаммолар давлат ва маҳаллий даражада ҳал этилиши ҳақидаги адабиётлар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ретроспектив равишда РСТИАМда чуқирлаштирилган тиббий текширув (ЧТТ) ўтган спортчиларнинг амбулатор карта маълумотлари ва Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери (ШЎД) дан олинган ҳисобот маълумотлари таҳлили берилган. Тадқиқотда турли спорт турлари билан шуғулланувчи ўсмирлар, Тошкент шаҳри ва республика вилоятларининг 16-18 ёшдаги аҳолиси иштирок этди. 159 та спортчиларда сўровнома ўрганиб чиқилиб, улардан 89 (66%) нафар йигитлар ва 70 (44%) нафар қизлар, назорат гуруҳида 16-18 ёшдаги Тошкентлик 124 спорт билан шуғулланмайдиган ўсмирлар, улардан 78та (62,9%) йигитлар ва 46 та (37,0%) қизлар танлаб олинди. Ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ, архив маълумотлари, сўровномалар ва ЧТТнинг ретроспектив таҳлили асосида антропометрик ва морфофункционал кўрсаткичларни баҳолаш билан болалар ва ўсмирларнинг соғлигини ўрганиш дастури ишлаб чиқилди. Босқичма-босқич тадқиқот дастурини бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

- клиник ва статистик (жисмоний ривожланишни баҳолаш, касалланишни ўрганиш, тадқиқот гуруҳларида ўсмирларнинг саломатлик гуруҳлари бўйича таксимланиши).

- ижтимоий (ўсмирларнинг сўровномалари асосида): оиланинг яшаш шароити ва ижтимоий ҳолатини, ўсмирларнинг турмуш тарзи даражасини ўрганиш;

- клиник ва биокимёвий таҳлил (қон глюкоза, гормонал, гематологик ва иммун гомеостаз, шунингдек, зўриқиш белгилари, карнитин метаболизмини таҳлил қилиш).


- тадқиқот жараёнида олинган маълумотларни математик ва статистик қайта ишлаш биомедикал маълумотларни қайта ишлаш бўйича умумий қабул қилинган талабларга мувофиқ амалга оширилди. Автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш учун Статистиса 7.0 дастурий маҳсулотидан фойдаланилди. Статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар Стьюдент кўрсаткичи бўйича ишонч даражаси $p < 0,05$ олинган.

Диссертациянинг **“Спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирлар саломатлиги ҳолати хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида 2018-2019 йиллар давомида Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерида олинган ҳисобот маълумотлари бўйича ўсмирларнинг касалланиши таҳлили, тана тизимларининг морфофункционал хусусиятлари, ижтимоий шароити, спорт билан шуғулланган ва шуғулланмаган ўсмирларнинг турмуш тарзи ва касалликларнинг ривожланиши учун турли хавф омиллари ўрганилган.

Таҳлилий ҳисоботдан олинган натижаларга кўра, 2019 йилда Тошкент шаҳридаги жами спорт мактаблари сони 24 тани, туманлар бўйича эса: Шайхонтоҳур – 1, Учтепа – 2, Чилонзор – 1, Миробод – 2, Мирзо Улуғбек – 2,

Яккасарой – 2, Олмазор – 2, Яшнобод – 2, Сергели – 1, Бектемир – 2, Юнусобод – 2 тани, шунингдек, ихтисослаштирилган мактаблар – 5 бўлиб, ушбу спорт мактабларига қатнашаётган спортчилар сони 17458 нафарни ташкил этган. 2019 йилда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ) кадрлар салоҳияти кониқарсиз бўлиб, 24 та БЎСМда шифокорлар сони 24 нафарни, шулардан мутахассислик ўтганлари – 2 нафар (20%); мутахассислик ўтиши лозим бўлганлари – 10 (41%) нафарни ташкил этган. 2019 йилда 9 (37.5%) нафар шифокорлар – 3 тоифа, 1 нафари – 1, 4 нафари - олий тоифа олишган бўлса, спорт тиббиёти бўйича ихтисосликка – 54,1%; бундай ихтисосликлари йўқ шифокорлар – 45,9% ни ташкил этган бўлиб, бу зудлик билан ҳал қилишни талаб қилувчи ташкилий муаммолардан бўлган кадрлар билан таъминланиш даражаси паст салоҳият эканлигини кўрсатади.

Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерида спортчиларнинг болалар ва ўсмирлар контингенти ўртасида ўтказилган ЧТК ҳисобот маълумотларига кўра касалланиш таҳлили шунини кўрсатдики, 2019 йилда тиббий кўрикдан ўтказилган спортчилар сони 17458 тани ташкил этиб, шулардан 13794 (79%) нафари ТШЎДнинг спорт тиббиёти бўлимидан ўтиб, унда соғлом спортчилар сони 8757 (63,4%) нафарни, касалликлари мавжуд спортчилар сони эса – 5037 (36,5%) нафарни ташкил этган. Олинган таҳлил натижалари диаграммада кўрсатилган (1-расм).




1-расм. 2018-2019 йиллар учун БЎСМ спортчилари орасида касалланишнинг қиёсий тузилиши.

Болалар ва ўсмирлар ёшидаги спортчилар орасидаги касалланиш таҳлили шунини кўрсатадики, уларнинг қатта қисмида юрак-қон томир – 27,5%, тери патологияси – 28,7%, эндокрин – 11,8%, офталмологик – 13,8%, шунингдек, терапевтик касалликлар – 15,9% ташкил этган. Бу эса тиббий ёрдам даражаси паст, уларнинг соғлом турмуш тарзи асосий техник ва кўникмаларини

билмасликларини, шунингдек, асосий хавф омилларидан кам хабардор эканлиларини кўрсатади. Бу борада соғлиқни сақлаш масалалари ва уни асраш бўйича тиббий саводхонлик даражасини ошириш, ёш спортчиларнинг саломатлик кўрсаткичларини яхшилайдиган, турмуш тарзини ва юқори спорт натижаларига эришиш қобилиятини яхшилайдиган тиббий жамоа, ота-оналар, мураббийларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, ёш йигит-қизлар ва ўсмирлар ўртасида санитария-гигиена тадбирлари ва таълимни мустаҳкамлаш зарур.

Диссертациянинг “**Спорт билан шуғулланувчи ўсмирлар саломатлиги ва турмуш тарзининг ҳолати хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобида сўровномалар асосида респондентларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш ва тадқиқот гуруҳларида ўсмирлар турмуш тарзини ўрганиш билан жисмоний ривожланишига баҳо берилган.

Спорт билан шуғулланувчи ўсмирларнинг ретроспектив таҳлили бўйича ўтказилган тадқиқотлар маълумотлари келтирилган. Текширилганлар сони 159 нафар бўлиб, шулардан 70 (44%) қизлар ва 89 (56%) йигитларни ташкил этган. Таққослаш гуруҳи спорт билан шуғулланмайдиган 16-18 ёшдаги 124 нафар ўсмирлар, 46 (37%) қизлар ва 78 (63%) йигитлардан иборат. Спорт билан шуғулланувчи ўсмирлар гуруҳида 16 ёшда бўлганлари – 32 (20%), 17 ёш – 59 (37%), 18 ёш – 68 (43%)ни ташкил этган. Мактаб ўқувчиларининг ўртача ёши эса $17,0 \pm 0,7$ йилни ташкил этган (2-расм).




2-расм. Ўрганилган ўсмирларнинг ёшга кўра тақсимланиши

Тадқиқот гуруҳларида ўсмирларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, спорт билан шуғулланадиган ўсмирларнинг – 86,2% ўз муддатида тугилган, 88,7% - фаровон оилаларга эга бўлган. 11,3% да - бир ота-она бўлган оилаларда яшаган; 46,5% да ота-оналарининг ёши ўртача 35-45 ёш; 22,5% - ота-оналар ўрта-маҳсус, 62,3% эса олий маълумотга эга бўлган. Оиладаги микроклимни баҳолашда ўсмирларнинг 70,4% уни дўстона, 27,7% - нормал, 18,2% оилаларда бир ёки ҳар иккала ота-она чекиш каби зарарли одатга эга бўлган. Бунда спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчи оилалар аниқланмаган. Барча сўровномада


иштирок этганлар қулай уй-жойда яшаши, оила аъзоси бошига даромад миқдордан юқори - 88% бўлганлиги сабабли ижтимоий ва турмуш шароитлари қониқарли баҳоланган.

Спорт билан шуғулланмайдиган ўсмирларда эса 97,6% ўз (тўлиқ) муддатида туғилганлигини, 86,3% қониқарли оилада ва иккала ота-онаси ҳам борлигини, 64,5% фаровон, 33,9% нормал шароитда яшашлигини кўрсатди. Оилаларнинг 20,2%да бир ёки иккала ота-она чекишади; улар қулай квартираларда яшайдилар (3-расм).




3-расм. Ўрганилган гуруҳларнинг сўров натижаларига кўра тақсимооти.

Ўсмирларнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилиш ва ўрганиш натижасида улар саломатлик гуруҳларига қуйидагича: спорт билан шуғулланувчилар 34% I-гуруҳга, 57% II-гуруҳга; 9% III-гуруҳга, назорат гуруҳида шунга мос равишда - 22% I-гуруҳга, 50% II-гуруҳга, 28% эса III-гуруҳга тақсимландилар (4-расм).



4-расм. Ўсмирларнинг саломатлик гуруҳлари бўйича тақсимланиши

II-саломатлик гуруҳидаги спорт билан шуғулланувчи ўсмирларда қуйидаги функционал бузилишлар аниқланди: овқат ҳазм қилиш тизимида – 54,9%; калконсимон без дисфункцияси юрак аритмияси ёки ўртача брадикардия белгилари билан – 11,0%; кариес – 34,1% (5-расм).




5-расм. Тадқиқот гуруҳларида аниқланган саломатлик аномалиялари:
 а) спорт билан шуғулланувчи гуруҳ; б) спорт билан шуғулланмайдиган гуруҳ

Спорт билан шуғулланмайдиган II-гуруҳидаги ўсмирларда ошқозон-ичак тракти функционал бузилишлари – 91,9%, невроген дисфункция – 58,1%, кариес – 50,0% бўлган ўсмирлар киритилди.

Икки тадқиқот гуруҳи ўртасидаги қиёсий баҳо спорт билан шуғулланувчи ўсмирлар ўртасида спорт билан шуғулланмайдиганларга нисбатан органлар ва тизимлар бўйича аниқланган патологиялар анча камлигини кўрсатди. Бу аҳоли ўртасида мавжуд юқори фаолиятсизлик даражасини, шунингдек, барча тана тизимлари шаклланиши ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ турли хавф омилларининг бу ёш даврида тана тизимига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, болалар ва ўсмирларни турли спорт турлари билан фаол равишда оммавий жалб этиш зарурлигини кўрсатади. Спорт билан шуғулланиш фаровонликка,

шунингдек, болаликдан қўлланилиши лозим бўлган соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жисмоний ривожланиш уйғунлигини баҳолаш тана узунлиги ва вазни нисбати ҳамда ёш спортчиларнинг функционал имкониятларининг хусусиятлари асосида амалга оширилди (6-расм).




6-расм. Жисмоний ривожланишни бўй ва тана вазни бўйича қиёсий баҳолаш

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, БЎСМнинг 36,5% ўсмирлари тана узунлиги ва вазни бўйича нормал жисмоний ривожланишга эга бўлган бўлса, тана узунлиги бўйича 42,8%и ва вазни бўйича 44,7%и хавф остида деб таснифланган.

Спорт билан шуғулланмайдиган ўсмирлар гуруҳида фақат 21,0%и тана узунлиги бўйича нормал жисмоний ривожланишга эга бўлиб, 17,7%и вазн бўйича, 38,7%и тана узунлиги бўйича, 43,5%и эса вазни бўйича хавф остида деб таснифланган.


Қиёсий таҳлиллар 63,5% спортчилар нормал ёки юқори ўсишга, шунингдек, тана вазнининг паст кўрсаткичларига эга бўлганлар туфайли нокулай жисмоний ривожланишга эга эканлигини кўрсатди.

Спорт билан шуғулланадиган 159 ва спорт билан шуғулланмайдиган 124 нафар ўсмирларда ўпканинг ҳаётий сизими (ЎХС) ва ўнг қўлнинг мушак кучи физиоетрик маълумотларини баҳолаш шуни кўрсатдики, БЎСМ ўсмирларида ўртача ЎХС кўрсаткичлари 47,8%ни; пастси - 22,0%ни, спорт билан шуғулланмайдиганларга нисбатан 56,5%га камроқни ташкил этишлигини кўрсатди. ЎХСнинг юқори кўрсаткичлари спорт билан шуғулланмайдиган ўсмирларга қараганда спортчиларда орасида мос равишда 30% ва 14,5% кўпроқ учрайди. Спорт билан шуғулланувчи ва шуғулланмайдиган ўсмирларда қўлнинг мушак кучини баҳолашда ўнг қўлнинг юқори кўрсаткичлари мос равишда 24,5% ва 11,3% га тенглиги аниқланди (7-расм).



7-расм. Ўпка сизими ва мускул кучини қиёсий баҳолаш $p < 0,05$.


Спорт билан шуғулланувчи 159 ўсмирларда тана вазни индекси (ТВИ) таҳлили натижалари 86,2% нормал қийматларга эга эканлигини ва фақат 13,8% нормалдан пастлигини кўрсатди. Жисмоний ривожланиш ва ТВИ уйғунлиги тўғрисидаги маълумотларни таққослаганда, 16,9% нормадан паст ТВИли ўсмирлар нормал жисмоний ривожланишга эгаллиги, лекин юқори бўйда ноқулай жисмоний ривожланиш мавжудлиги аниқланди. Шу сабабли, уларда тана вазни дефицити аниқланмаган. Спорт билан шуғулланмайдиганлар гуруҳида ТВИ нинг ўртача кўрсаткичи 21,6ни ташкил этган. Спорт билан шуғулланувчи 159 ўсмирларда қон босимини ўлчаш ўртача 112/66 мм симоб устунли қон босимига эга бўлганликларини кўрсатган. Ёш кўрсаткичларидан юқори қон босимининг ошиши аниқланмаган. Ўсмирларнинг 87%ида организмнинг функционал ва адаптив захираларининг ўртача даражаси, 13,2%ида эса ўртача кўрсаткичдан юқори даражаси аниқланган. Спорт билан шуғулланмайдиган ўсмирлар гуруҳида 68% нафаридан организмнинг функционал ва адаптив захираларининг ўртача даражаси, 32,2% эса ўртача даражадан юқори даражага эга бўлган (8-расм).



8-расм. Физиоетрик ва морфофункционал кўрсаткичларни баҳолаш


Ўсмирларнинг турмуш тарзини баҳолаш тадқиқотга киритилган барча 283 ўсмирлар орасида 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган, 1-, 2- ва 3- саломатлик гуруҳлари

ва уларнинг ота-оналаридан бирида сўровнома асосида амалга оширилди. Тадқиқот асосига PedsQL сўровномаси олинган (блок 13-18 йил). Анкета маълумотлари бўйича ўрганилган ўсмирларнинг ўртача турмуш тарзи 82,3 балл, таққослаш гуруҳида - 72,6 балл бўлиб, улар учун маълум аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ва турмуш шароитлари, оилалардаги турли муносабатлар даражаси билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган асосий гуруҳга нисбатан бироз камроқ (9,7 балл) (9-расм).



9-расм. Сўровнома бўйича ўсмирлар турмуш тарзининг қиёсий таҳлили


Ўсмирларнинг турмуш тарзини уларнинг ота-оналари томонидан тўлдирилган анкета маълумотлари асосида ўрганиш айрим фарқларни очиқ берди. Таққослаш гуруҳларида спорт билан шуғулланувчи ва шуғулланмайдиган ўсмирлар орасида жисмоний, ижтимоий, ва психосоциал саломатлик нуқтаи назаридан ҳам анча пасайиш кузатилади. Ота-оналар томонидан тўлдирилган анкеталар билан таққосланганда, олинган баллар кам бўлиб, бу ота-оналар томонидан уларнинг фарзандларига нисбатан кўпроқ танқидий муносабатда бўлиш билан изоҳланиши мумкин (10-расм).



10-расм. Ота-оналар томонидан ўсмирлар турмуш тарзининг қиёсий таҳлили

Ҳаёт сифатини (ХС) баҳолашда ота-оналар ва болалар ўртасидаги изчиллик ўсмирларнинг саломатлиги ҳолатига боғлиқ муаммо бўлмаса, улар ўртасида ўзаро муносабат бўлмайди, лекин ота-оналарнинг соғлиги билан юзага келганда, хавотирланиш ортади, бу эса ҳаёт сифати даражасини баҳолашнинг пасайишида акс этади.

Ўсмирлар ҳаёт сифати саломатлик гуруҳларидаги таҳлили 3-гуруҳда умумий ҳисобда, жисмоний ва эмоционал функционалликда сезиларли фарқ борлигини, уларнинг маълумотлари 1-2 гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилишлигини кўрсатди. Шундай қилиб, сурункали касалликларли 3-саломатлик гуруҳи ўсмирлари сурункали касалликларсиз соғломларга нисбатан фарқларга эга эдилар. Шунга асосланиб шундай хулосага келишимиз мумкинки, сурункали касалликлар ўсмирларнинг ҳаёт сифатига зўр бермасдан ҳам таъсир этиб, уларни ижтимоий мослашувини бузмасдан маълум даражаларга камайтиради. Шунга қайд этиш керакки, ҳаёт сифатини баҳолашда гендер фарқлари аниқланмаган. Қизларда ҳаёт сифати даражаси 32,7% ни, ўғил болаларда эса сезиларли даражада паст – 27,7%, $p \geq 0,05$ эканлиги аниқланган (11-расм).



11-расм. Ҳаёт сифати ўртача кўрсаткичи

Шундай қилиб, болаларнинг саломатлик ҳолати уларнинг турмуш тарзини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Соғлом гуруҳларига бўлинган турмуш тарзи параметрларини ўрганиш I- ва II- гуруҳларга нисбатан III-гуруҳда ўзгаришини кўрсатди. Ота-оналар томонидан турмуш тарзини баҳолаш ўсмирларнинг баҳолашларига нисбатан анча паст бўлди, бу эса бу ёш даврида ривожланишнинг эмоционал ва психологик омилларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган ота-она-ўсмир муносабатларидаги келишмовчиликларнинг ортиши билан изоҳланади. Турмуш тарзига баҳо бериш ўсмирларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни кейинчалик ишлаб чиқиш учун зарурдир.

Диссертациянинг **“Машқ жараёнини бошқариш учун ўсмирлар саломатлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосланиши”** деб номланган бешинчи бобида моддалар алмашинувидаги биокимёвий ўзгаришларни баҳолаш, оксидловчи стресс ривожланишига сабаб бўладиган VEGF гени экспрессияси, ўсмирларда энергия алмашинувининг бузилиши ва карнитин алмашинуви ўрганилди.

Бундай биокимёвий, иммунологик, гематологик ва гормонал тадқиқотлар каби лаборатория синовларининг ўтказилиши, барча тизимлар иш фаолиятини белгилайдиган функционал ҳолатни баҳолаш орқали организмнинг ривожланаётган адаптив реакцияларга индивидуал ёндашиш имконини беради. Ушбу тадқиқотда қизил қоннинг гематологик кўрсаткичлари гемоглобин даражасини, гематокритнинг қийматини, қизил қон таначаларининг таркибини қизил қон таначалари индекслари билан аниқлаш билан ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Гемограмма кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	асосий гуруҳ (n=159)	назорат гуруҳи (n=124)
Er, 10^{12} -л ⁻¹	5,23±0,34	4,81±0,24
Hb, г/л ⁻¹	154,1±2,16	142,6±4,23

Гематокрит, %	43,28±2,27	39,14±2,61
Ўртача ҳажм, Eг, фл	76,81±1,56	80,23±1,75
абс. конц. Hb в Eг, пг	29,73±0,83	26,05±1,42
ўрт.конц. Hb в Eг, г/дл ⁻¹	36,82±3,58	34,94±1,16
Анизоцитоз, %	15,12±0,21	14,46±0,42

Ўтказилган тадқиқотлар, гемоглобин таркибида бу кўрсаткичнинг сезиларли даражада ўзгариши туфайли сезиларли фарқлар йўқ эканлигини кўрсатди. Фақат зўриқишнинг юзага келиши билан боғлиқ эритропоез жараёнларининг фаоллашуви туфайли ўсувчи ёш қизил қон хужайраларининг пайдо бўлишини кўрсатадиган анизоцитознинг кўпайишини таъкидлашимиз мумкин.

Тадқиқот гуруҳларида бошқа гематологик кўрсаткичлар ҳам ўрганилди. Бунда спорт билан шуғулланувчи ўсмирларда қон кўрсаткичлари нормал ораликда, моноцитларнинг мутлақ ва нисбий таркибидан ташқари ҳеч қандай махсус ўзгаришларсиз қайд этилиб, бу организмнинг носпецифик қаршилигининг пасайишини кўрсатувчи характерли белги ҳисобланади. Оқ қон хужайралари, лимфоцитлар ва гранулоцитларнинг умумий сони таққослаш гуруҳларида статистик жиҳатдан фарқ қилмади ва референт қийматга эга эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Гемограмма кўрсаткичлари (қоннинг «оқ» қисми)

Кўрсаткичлар	асосий гуруҳ (n=159)	назорат гуруҳи (n=124)
Лейкоцитлар, $\cdot 10^9\text{-л}^{-1}$	5,22±1,13	5,78±1,15
Лимфоцитлар, $\cdot 10^9\text{-л}^{-1}$	1,82±0,21	2,05±0,31
Лимфоцитлар, %	24,7±4,4	33,48±4,02
Моноцитлар, $\cdot 10^9\text{-л}^{-1}$	0,21±0,01	0,59±0,04
Моноцитлар, %	5,24±0,32	8,23±0,51
Гранулоцитлар, $\cdot 10^9\text{-л}^{-1}$	3,11±0,24	3,71±0,32
Гранулоцитлар, %	59,13±4,68	68,29±4,15
Тромбоцитлар, $\cdot 10^9\text{-л}^{-1}$	194,57±10,02	233,48±9,02

p<0,05

Иммун тизимининг юқори юкламалари билан содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, хужайравий иммунитет кўрсаткичларини таҳлил қилиш амалга оширилди. Таққослаш гуруҳларида бу кўрсаткич сезиларли даражада фарқ қилмади, уларнинг (Т - ва В-лимфоцитлар) умумий сони референт қийматларидан ташқарига чиқмади. (3-жадвал).

3-жадвал

Хужайра қатори иммунитетини кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	асосий гуруҳ (n=159)	назорат гуруҳи (n=124)
--------------	-------------------------	---------------------------

В-лимфоцитлар (CD19+), %	10,33±1,15	17,24±1,38
T-лимфоцитлар (CD3), %	72,58±6,24	63,54±5,07
T-хелперлар (CD4), %	51,12±4,67	36,45±2,78
T-супрессорлар (CD8), %	29,42±2,67	21,13±2,04
NK киллерлар (CD16+)	7,48±0,98	15,46±1,53
ИРИ, (CD4/CD8)	1,74±0,21	1,72±0,14

Хужайра қатори иммунитетни бўйича олинган маълумотлар махсус ҳимоя қилиш учун масъул хужайралари сонининг ортиши фониди носпецифик иммунитетни белгиловчи моноцитлар ва табиий қотиллар миқдорининг камайишини кўрсатди.

